



**“ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ ДИНИ ТАЪЛИМИ: ТАРИХИ,  
РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ”  
мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани  
АҲБОРОТ ХАТИ**

## Илмий-амалий конференция

ЎТКАЗИЛИШ МУДДАТИ: 2022 ЙИЛ 26 МАРТ

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан 2022 йил 20 апрель куни Тошкент ислом институтида “Ўзбекистонда ислом дини таълими: тарихи, ривожланиши ва жамият тараққиётидаги аҳамияти” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилади.

Мазкур анжуманда иштирок этишни хоҳлаган профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, тадқиқотчилар ва талабалар **2022 йил 26 марта** соат 16:00 га қадар мақолани ўзбек, рус, инглиз, арабтилларида тақдим этишлари мумкин.



### МАҚОЛАЛАР ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

**Ўзбекистонда диний таълимнинг тарихий илдизлари ва ривожланиши босқичлари:**

- Ўзбекистонда ислом дини таълимнинг тарихий илдизлари;
- Ўрта асрларда мадрасалар фаолияти ва уларда ўқитилган фанлар;
- Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси таълим тизимининг ташкил этилиши ва фаолияти;
- Мустақиллик йилларида ислом дини таълимнинг тизимли ривожланишида ўзига хос хусусиятлар:**
- Ўзбекистонда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотлар;
- Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта маҳсус ислом таълим муассасаларининг ривожланиши;
- Диний таълим тизимидағи ислоҳотлар ва истиқбол режалари.



### МУАЛЛИФЛАР УЧУН МАЪЛУМОТ

Анжуманга топширилган мақолалар илмий тўплам шаклида нашр этилади. Мақола матнида келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар жавобгардир. Белгиланган йўналишларга мос бўлмаган ва талабларга жавоб бермайдиган мақолалар тўпламга киритилмайди. **Анжуманга қабул қилинган мақолалар тўплам ҳолатида чоп этилади ва муаллифларга бепул тақдим этилади.** Энг яхши мақолаларва 2022 йилнинг 15 марта кунига қадар мақола юборган муаллифлар анжуманда бевосита иштирок этади ҳамда сертификат берилади.

## МАҚОЛАЛАР МАТНИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ:

Матн ҳажми – камида 3 бетдан қўпи 10бетгача A-4 ҳажмдаги қоғозга, матн шакли – Microsoft Word, ёзув шрифти – Times New Roman, ҳарфлар ҳажми – 14 кегль (ҳавола 10 кегль), сатрлар оралиғи 1,5 интервалда (ҳавола 1 интервалда), юқоридан ва пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см.

Юқоридан бош ҳарфлар билан мақола мавзуси ёзилади, бир интервалдан сўнг муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи, иш жойи (олий ўқув юрти) номи ва лавозими ҳамда илмий даражаси, шунингдек боғланиш учун телефон рақами ёзилади, бир интервалдан сўнг асосий матн келтирилади;

Мақолани тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар ҳар бир саҳифа остида ҳавола (сноска) тарзида берилади.



► Мақолаларнинг  
электрон нусхалари  
Тошкент ислом  
институти “Ижтимоий  
фанлар” кафедраси  
профессор-ўқитувчилари ва Илмий тадқиқот  
фаолиятини ташкил этиш бўлими  
ходимларидан иборат ташкилий қўмитага  
топширилади.



► Мақола ва  
тезиснинг электрон  
нусхаси  
+99899690-92-26 ёки  
+99894268-68-92  
(@Muhammadjon64)  
телеграм номерларидаги манзилларга  
юборилиши мумкин.

**Мурожаат учун телефонлар: 71 227 42 37, 91 135 35 08**

 @oliymahad

